ШАҲРИМИЗНИНГ БИР КУНИ

ВОҲАДА ЯНА БИР ТЕХНИКУМ

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИКЛАР

ШАҲРИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

МЕЪМОРЛАР БИЛИМ МАСКАНИ


ТЕНГДОШЛАР ҚУВОНЧИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

13 4-йил чиқиши АВГУСТ 1969 й. ЧОРШАНБА № 188 (952). БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Шаҳримиздаги энг йирик саноат корхоналаридан бири бўлган «Ташавтомаш» заводи машинасозларни шу кунларда дастлабки янги пахтачилик тракторларини ишлаб чиқаришга киришаётирлар.

СУРАТДА: янги тракторлар учун деталлар тайёрлаётган пешқадам ишчилардан созловчи Комил Эгамбердиев ва ёш ишчи Виктор Бусаров ўртоқлар.

ШАҲРИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

МЕҲМОНХОНА ЖИҲОЗЛАРИ

Воронеж қурилиш-монтаж поезднинг аъзоларидан Энгельс ва Навоий кўчаларини муюлишида замонавий меҳмонхона биносини қуриб берган эдилар. Ой охирларида очиладиган «Дўстлик» меҳмонхонасини жиҳозлаш шу кунларда қизғин олиб борилмоқда.

Бугун

Германия Демократик Республикасидан тўрт вагон мебель олиндн. Яна бир неча кундан кейин 16 вагонда турли жиҳозлар келиши кутилмоқда.

«МАРКАЗ-7»ДА МАГАЗИН

Бугун

қардош украин биокорлари «Марказ-7»да яна бир ҳашаматли бинони қўлдан чиқардилар. Бинонинг биринчи қаватн озиқ-овқат магазини учун мўлжалланган. Шу кунларда Ленин район озиқ-овқат савдоси бўлими ходимлари магазин жиҳозларини ўрнатиб, молларни қабул қила бошладилар.

ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА


Бугун

Октябрь колхози бозорида 120 сотувчига мўлжалланган янги павильон ишлай бошлади. Бу ерда помидор ва бошқа сабзавот маҳсулотлари сотилади.

Куни кеча бозорнинг турли ноз-неъматлар харид қилувчи растораларига 150 метрли шифер-ойна қўйилди. Бу эса маҳсулот сотувчи ва харид қилувчиларга катта қулайликлар туғдиради.

Шунингдек, бозорда ҳар бир колхоз учун қовун-тарвуз сотишга мўлжалланган алоҳида ўраб қўйилган жойлар ҳам ташкил қилинди.

МЕҲНАТДА ПЕШҚАДАМЛАР





Тошкент трикотаж фирмаси кўплаб турли хил халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаради. Ҳозир корхона кузги-қишки мавсум учун кўплигина янги хил маҳсулотларни ишлаб чиқаришга киришди. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш жараённ ҳам янги сайин механизациялашиб бормоқда.

СУРАТЛАРДА: ўраш-тўқиш цехининг моҳир ўровчиси Раиса Бойбекова. Юқоридаги суратда эса сиз жемперлар учун сифатли жун калава тайёрловчи агрегатларни кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотолари.

Тонги газеталарда

◆ Совет «Зонд-7» автомат станцияси учишда давом этмоқда. Программага мувофиқ 1969 йил 9 августда фазода йўл белгилаб олиниб, ҳар тарафга бурилиш программаси бажарилганидан кейин станция Ердан салкам 260 минг километр нарида бўлган пайтда двигатель установка ишга солинди. Бунинг натижасида станциянинг тезлиги мўлжалдаги миқдорда келтириб ўзгартирилди. Координациялаш, ҳисоблаш маркази олинган ахборотларни ишлаб чиқармоқда.

◆ Бугун тонги газеталарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон Министрлар Советининг Республика колхозлари, совхозлари ва тайёрлов ташкилотлари ҳамда барча меҳнаткашларига мурожаат эълон қилинган. Унда 1969 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисидаги қарори босилган. Қарорда жумладан бундай дейилади: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қайд қиладиларки, республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Октябрь Пленуми қарорларини турмушга тадбиқ қила бориб, ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўрган ҳолда юбилей йилида 4 миллион 100 минг тонна пахта етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун ҳормай-толмай курашмоқдалар.

● *Ленинча меҳнат вахтасида*

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ТОШКЕНТ ОДИМЛАРИ

Бугун

ШАҲАР СТАТИСТИКА ҲОШҚАРМАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИНИНГ 1969 ЙИЛНИНГ ИЮЛЬ ВА ЎТГАН 7 ОЙИ ИЧИДА ДАВЛАТ САНОАТ ПЛАНЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ЯКУНЛАРИГА ОИД ҲИСОБ-КИТОБ ИШЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТКАЗИЛДИ.

◆ ИТТИФОҚ-РЕСПУБЛИКА ВА РЕСПУБЛИКА ҚАРАМОҒИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ шу йилнинг 7 ойи ичида пландан ташқари 1 миллион 896 минг сўмлик маҳсулотни реализация қилдилар.

◆ КИРОВ, ОКТЯБРЬ, ФРУНЗЕ, ЧИЛОНЗОР ВА ҲАМЗА РАЙОНЛАРИДАГИ ФАБРИКА ВА ЗАВОДЛАРНИНГ коллективлари 7 ойлик топшириққа қўшимча равишда 8,7 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қилдилар.

◆ ЎТГАН ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИДАГИГА ҚАРАГАНДА саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми 7 ой ичида 3,5 процентга ошди.

◆ ЎТГАН ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИДАГИГА ҚАРАГАНДА ЧАКАНА ТОВАР ОБОРОТ ҳажми умумий овқатланишни қўшиб ҳисобланган ҳолда 5,3 процентга ошди.

◆ 140.356 КВАДРАТ МЕТР ҲАЖМДАГИ, уй-жой, шунингдек, 1400 ўринли мактабгача болалар муассасалари фойдаланишга топширилди.

ОБ-ҲАВО

Бугун кечаси 12-14, эртага кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

ЛЕНИННИНГ ТЕНГДОШЛАРИ

(РЕПОРТАЖ)

Қарнай-сурнай садолари узоқ-узоқларга кетмоқда. Ноғорадан кейин танбур, доира оҳанглари, дилрабо куйлар эшитилади. Байрамдагидек ясанган кишилар оқими узилмайди. Ҳамма бугунги тантанани ўз кўзи билан кўргиси, бевосита иштирок этгиси келади.

Боғ пештоқига йўлкалар ёнига ёзилган шиорлар қизил алвонларда товланиб турипди. «Ленин тенгдошларига алангали салом»!

А. С. Пушкин номли маданият ва истироҳат боғининг ўртасидаги майдонга сўрилар қўйилган. Кўчма магазинларда истаган нарса топилади: озиқ-овқатлардан тортиб, саноат моллари, ҳар хил совғаларгача бор. Бунинг ҳаммаси Владимир Ильич Ленининг тенгдошлари билан бўладиган учрашувга бағишланади.

Тўрдаги сўрида сочи қордек оқарган табаррук қарияларимиз ўтиришиптилар. Уларнинг атрофида эса ўғил-қизлар, набира ва чевара-лар. Мана, Бибинисо буви Ортиқова. У яқинда юз ёшга кирди. Шунга қарамай тетик, хушчақчақ. Унинг ёнида маҳалладоши, дугонаси Владимир номли маҳалланинг кекса онаҳонларидан бири 1870 йилда туғилган Руқия буви Раҳимова. Кечанинг энг кекса қатнашчиси Сирожхон ота Ғиёсхонов тўпланганларни бирма-бир кўздан кечиради. Гўё улар орасидан ўз ёшлигини қидираётгандек бўлади.

Зайнаб буви Ҳалимовани фақат райсида эмас, балки республикамизда ҳам ҳамма билади. 1868 йилда туғилган бу кекса КПСС аъзоси, Қора ўтмишдан, жинчиройли тундан тортиб космос асригача, бўлган даврнинг гувоҳи. Паранжини ташлашда, хотин-қизларни ишга тортишда актив қатнашган. Бу кунниг ҳар бир қадамини эл билан бирга босган. Ҳозир ўз умридан миннатдор, болалари бахтидан кўнгли тўқ. «Суръат». «Узган», «Янгиобод», «Пахтакор», ва бошқа маҳаллалардан келган мўйсафид меҳмонлар ҳам уларга тенгқур.

Кеча қатнашчиларини СССР халқ артисти, Лутфихоним Саримсоқова, шоирлардан Ҳабибий, Ғайратий. Октябрь район халқ маорифи бўлими мудири С. Сайдаҳмедов, Октябрь район партия комитетининг секретари Т. Мирзаҳмедова ўртоқлар табриклашди.

Учрашув қатнашчилари кўконлик аскиябозлар Турсунбува Аминов, Гойиб ака Тошматов, Йўлдошхонлар аскиясини мириқиб тинглашди. Ёзги театр биносида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Обид Толиповни Ленин сиймосида кўриб, Ҳамид Олимжон номли маданият уйи ва «Маданият» колхози бадиий ҳаваскорлари концертини томоша қилишди.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган Ленин тенгдошлари учрашуви мароқли ўтди.

Ҳ. ҲАКИМОВ.

● *Янги лойиҳалар*

ПАХТА ТОЗАЛАШ ТЕХНИКУМИ

Иттифоқимизнинг пахта етиштирувчи республикаларига пахтакор кадрлар етиштириб бериш борасида республикамизда амалий ишлар қилинаяпти. Бу йил Фарғона водийсининг пахтага кон Андижон областида янги пахта тозалаш техникуми ташкил қилинади.

Бугун


Ўзбекистон Давлат лойиҳалаш институти ходимлари Андижонда қуриладиган пахта тозалаш техникуми лойиҳасини чизиб бўлишди ва қурувчиларга тақдим қилишди.

Пахта тозалаш техникуми биноси 5,5 гектар майдонни эгаллайди. «Н» харфи шаклида бунёд қилинадиган бу техникум Жданов хиёбони, Қизил Шарқ ҳамда Олтинкўл кўчаларининг туташган жойида қад кўтаради. Мазкур техникум уч қаватли бўлиб, минтга яқин студент таълим олади. Техникумнинг ўзида катта спорт майдони, чиройли гулзорлар ҳамда сув ҳавзалари бўлади. Шунингдек, кутубхона, 250 ўринли ошхона, 600 кишини ўз бағрига сиғдирадиган маслаҳат зали, ётоқхона ҳам студентларга хизмат этади.

Ш. УБАИДУЛЛАЕВ.

СУРАТДА: техникум кўриниши.

М. Мирмуҳамедов фотоси.



ЧЕТ ЭЛЛАРДА

КАРАНТИН ТУГАДИ

НЬЮ-ЙОРК, 11 август. Хьюстондаги (Техас штати) бошқариладиган учишлар марказининг махсус лабораториясида америкалик космонавтларнинг 21 кун давом қилган карантини бугун эрталаб тугади. Маълумки, «Аполлон-11» космик кемасининг Нейл Армстронг, Эдвин Ольдрин ва Майкл Коллинздан иборат экипажи Ойга учиб бориб ва қўниб, ерга қайтиб келган эди. Нейл Армстронг билан Эдвин Ольдрин Ой юзасига чиқиб қайтганларидан кейин бу космонавтларнинг карантини 20 июлда бошланган эди.

Гуам ороли районида уч космонавт сувга қўнганларидан кейин уларни карантин фургонига солиб «Хорнет» ҳарбий кемасига олиб келишди, бу ердан эса улар яна шу фургонда самолётга солиниб, медицина лабораториясида синчиклаб тадқиқ қилмоқ учун Хьюстондаги космик марказга юборилди. Врачлар, микробиологлар, рентгенологлардан иборат мутахассисларнинг катта группаси уларни 17 кун кузатиб турди.

«Аполлон-11»нинг учишига медицина жиҳатидан раҳбарлик қилган доктор Чарлз Бэррининг айтишига қараганда, космонавтларни кўриб чиқиш ва қилинган анализларнинг ҳаммаси ойга бориб келган кема экипажининг аҳволи аъло даражада эканлигини ва улар ойнинг микроорганизмларини юқтирмаган эканликларини кўрсатди. Улар карантинда турган вақтларида космонавтларнинг ойдан олиб келган тупроқ намуналари анализ қилиб чиқилди ҳамда ойга учиш вақтида қўниш синчиклаб таҳлил қилинди.

13 августда жасур космонавтларни шарафлашнинг тантанали маросими бошланади. Улар Нью-Йоркда, Чикагода ва Лос-Анжелосда кутиб олинади.


СУРГУН МУДДАТИ ЯНА БИР ЙИЛГА ЧЎЗИЛДИ

ПАРИЖ, 11 август. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Афинадан хабар беради: Таниқли композитор ва жамоат арбоби Микис Теодоракиснинг сургун муддатини Греция ҳукумати яна бир йилга чўзди. Теодоракис ҳозир Пелопоннес ярим оролининг узоқ қишлоғида сургунда юрибди.



ИСРОИЛ босиб олган ерлардаги араб аҳолиси жуда оғир аҳволда яшамоқда. Суратда: Иордания территориясида жойлашган Хеврон шаҳрида. Асир олинган араб гражданларини Исроил солдатлари қўриқлаб туришибди.

АП—ТАСС телефотоси.



«Узавторемонт» бирлашмасига қарашли 10-авторемонт заводининг ишчилари бу йил республикамиз автохўжаликларининг 3 мингдан ортиқ турли хил автомашиналарини ремонт қилиб бериш мажбуриятини олганлар. Бу корхона ишчилари шу кунларда ўз топшириқларини муддатидан аввал бажариш борасида баракали меҳнат қилмоқдалар.

Сиз мана бу суратда корхонанинг пешқадам автослесари А. Абдуэминовни кўриб турибсиз.

СТУДЕНТЛАР ТАШРИФИ

Бугун

Патрис Лумумба номидаги Москва халқлар дўстлиги университетининг бир группа студентлари шаҳримизга келди.

Улар пойтахтда бир неча кун бўлиб музейларни ҳамда тарихий ёдгорликларни кўришади.

МЕЪМОРЛАР БИЛИМ ДАРГОҲИ

Навоий кўчасидаги Санъат саройи, Ўзбекистон кўчасидаги маъмурий бино лойиҳаларини кимлар ишлаб чиққанлигини биласизми? Ана шу ҳашаматли замонавий биноларнинг лойиҳаларини Тошкент Политехника институтида таълим олган архитекторлар тузганлар. Олий билим даргоҳи қирқ йилдан буён ана шундай қобилиятли меъморлар етиштириб беряпти.

Бундан қирқ йил муқаддам индустриал институтнинг кичик бир архитектура кафедраси ҳар йили 25 бола қабул қилар эди. 1966 йил Тошкент зилзиласидан сўнг, бу кафедра базасида архитектура факультети вужудга келди. Факультетнинг кундузги ва кечки бўлимларига юзлаб талабалар қабул қилина бошланди.

Янги ўқув йилида факультетда мингга яқин студент — бўлажак меъмор таълим олади.

М. РАҲИМОВ, «Тошкент оқшомининг штатсиз мухбири.

● *Ўй муборак*

ЭНЕРГЕТИКЛАР СОВҒАСИ

Бугун

«Узбекгидроэнергострой» трестининг Тошкентдаги махсус бошқармаси коллективи ўз ҳамкасбларини мамнун этдилар. Улар «Шимоли-Шарқ» массивида 64 квартирали уйнинг калитларини давлат комиссиясига топширдилар.

Қурувчилар шунингдек, Карамзин кўчасида қад кўтарган 411 ўринли ётоқхона биносини фойдаланишга топширишди.

«Главташкентстрой»нинг 45-қурилиш бошқармаси «Шимоли-Шарқ» массивида 32 квартирали бинонинг ҳавозаларини йиғиштириб олди.

4-қурилиш трестининг 21-бошқармаси коллективи ҳам Ўзбекистон Фанлар академиясининг олимлари учун Морозов кўчасида 22 квартирали кулай ва кўркам уйни қуриб бўлди.

● *Учинчи меҳнат семестри*

СТУДЕНТЛАР ҲИММАТИ

Шу кунларда Тошкент учет-кредит техникуми студентлари Оржоникидзе районидаги «Дўрмон» совхози боғбонларига катта ёрдам бермоқдалар. Улар боғда етилган ҳосилни териб, давлатга топширишда ёрдамлашмоқда. Шунингдек, ҳашаки лавлаги узишда ҳам гайрат қилишяпти.

Ҳар бир студент 150 ўрнига 200-250 килограммга етказиб олма термоқда. Бу деҳқонларга катта кўмакдир.

Бугун

студентлар ҳиммати билан совхоз миришкорлари ҳамшаҳарларимизга 12 тонна олма жўнатишди. Совхоз боғида олма узиш қизғин давом этмоқда.

Ишчи жанов олийлари

Бир касбда йигирма йил

Насим Рашидовнинг қизиқ бир одати бор. Ўзи ҳақида гапиришни ёқтирмайди.

Тўғри, баъзилар ўзи ҳақида гапиравермаслиги мумкин. Аммо Н. Рашидов ўз ишига ўзи баҳо беришдан ийманиб, камтарлик қилади. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир ишчининг меҳнати унинг атрофидаги касбдошлари ва мастерга маълум. Унинг меҳнатига ҳам шулар тўғри баҳо берадилар.

Қуюв цехининг ишчиси коммунист Н. Рашидов ҳақида у билан кўп йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган дўстлари ва мастергина эмас, балки цех партия ташкилотининг секретари Б. Акромов ҳам илиқ сўзларни айтди.

У КПСС XXIII съезди, Коммунистик партия Марказий Комитети Пленумлари қарорларида белгилаб берилган беш йиллик халқ хўжалик планларини амалга оширишда, партия топшириқларини бекамкўст бажаришда куч ғайратини аямайди.

Унинг тўқимачилик машинасозлиги заводига ишга келганига ҳам йигирма йилдан ошди. Дастлаб металл идишлар ва қолипларнинг сийқаланган, тешилган жойларини ямаб юрди. Кейинчалик электрокарь иши қизиқтириб қолди.

Ихтиёрингдаги машина қандай ишлашини билиш жуда яхши. Бундай қараганда электрокарчининг иши унча мураккаб эмасдек кўринади. Лекин бутун бригада планининг бажарилиши кўп жиҳатдан худди шу касб эгасининг ишига боғлиқ. Бир участкадан деталлар олиб келиш, тайёрларини бошқа участкага элтиш, хом ва тайёр маҳсулотларга жой ҳозирлаш электрокарчи зиммасидадир.

Коммунистик меҳнат зарбдори Н. Рашидов беш йиллик топшириғини доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигигача бажариш юзасидан шахсий мажбурият олган эди. Зарбдорларча меҳнати туфайли у беш йиллик меҳнат нормасини уч ярим йилда адо этди.

Ҳозир юбилей йили маррасидан ўзиб меҳнат қилаётган Н. Рашидов цехнинг энг яхши активларидан бири.

Тўқимачилик машиналари билан жаҳонга донғи кетган завод меҳнаткашлари қатори Н. Рашидов ҳам планнинг муддатидан илгари бажарилишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Унинг мақсади—доҳий В. И. Ленин юбилейига шахсий меҳнат совғалари тайёрлашдир.

А. ГЕХТЛЯР.

● Беш йиллик вахтасида



«Юлдуз» тикувчилик фирмасининг биринчи филиалида янги ўқув йилига мактаб формалари кўплаб тикиб чиқарилмоқда. Сиз суратда 6-цехнинг моҳир тикувчиси М. Толиповани кўриб турибсиз. У смена топшириқ-ларини 110—120 процент қилиб адо этмоқда.

Ю. Содиқов фотоси.



Токарь Тоҳир Йўлдошев шаҳардаги «Гидрометприбор» заводи механика цехининг зарбдор ишчиларидан бири. Шу корхонада кўпдан буён меҳнат қилиб, коллектив обрўсини қозонган бу жамоатчи ишчи Киров район советининг депутати дир.

СУРАТДА: Т. Йўлдошев.

М. Нуриддинов фотоси.

КОММУНИСТИК ТУРМУШ ЁТОҚХОНАСИ

Кузи кеча Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлими ётоқхонасига темир йўл бўйича СССР транспорт министрлиги ва касаба союз ходимлари Марказий Комитетининг телеграммаси келди. Телеграммада ётоқхона коллективи Коммунистик турмуш ётоқхонаси номини олиш учун кураш мусобақасида ғолиблиги эгаллаганлиги муносабати билан табрикланган эди.

Тошкент темир йўлининг 400 дан ортиқ кишн яшаётган ётоқхонаси аҳли коллективи бу талабларни темир йўлчилар байрами куни арафасида муваффақиятли бажардилар. Мусобақа давомида ётоқхона аҳли давлатнинг 3000 сўм маблағини тежаб қолди. Коллектив аъзоларининг ярмига яқини Тошкент темир йўлчилар транспорти институтида, Тошкент Давлат университетида ва бошқа турли ўқув юртларига кириб ўқишларн таъминланди. Ётоқхонада кутубхона, 40 кишига мўлжалланган ўқув залн ва бошқа қулай шароитлар яратилган.

Ётоқхона комендантн Д. Н. Лонанин табрик телеграмма муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда коллектив фикрларини ифодалаб шундай деди:

— Биз бу фахрий номга яраша меҳнат қиламиз. Янгидан-янги ютуқларга эришамиз. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини катта зафарлар билан кутиб оламиз.

О. РАЖАБОВ,
ТошДУ студенти.

● Ишчи минбари

АЗИЗ ТОШКЕНТИМ

1966 йилнинг майини ҳеч қачон унутмайман. Қурувчилик касбимга ўша йили йигирма йил тўлгани учун эмас йўқ. Бундан уч йил муқаддам Тошкентим бошига кулфат тушди. Лекин ҳар қачонгидек биз Биринчи май кэмойишига чиқдик. Намойишчилар байроқлар, шиорлар кўтариб ўтишди. Ленин майдонига йиқилган уйлар, жароҳатланган кўчалар орқали ўтганимиз ҳамон ёдимда.

Майдонга киргач, қалбим жўш урди. Менимча ҳар бир кишн жонажон Тошкентни тиклаш ва қайтадан қуриш учун қасамёд этаётгандек бўлди. Биз мнбарлар ёнидан шундай ўтдик. Намойишдан кейин кўпчилик қурилиш майдонларига кетди. 2-3 май кунлари иш куни эълон қилинди.

Бугун, биз тошкентликлар, янги кўчалар ва янги майдонлар бўйлаб одимлаймиз. Шаҳарнинг кўпчилик районларн таниб бўлмас даражада ўзгарди. Вайрон бўлган кварталлар ўрнида янги ва гўзал Тошкент қад кўтарди. Биз тошкентлик бинокорлар билан бирга жонажон шаҳарни бутун мамлакатимиз қурмоқда.

Мен янги шаҳар қандай бўлаётганлигини бошқаларга нисбатан кўпроқ ҳис қилаётганга ва кўраётганга ўхшайман. Бир кунда икки марта янги қурилишлар районини оралаб ўтаман. Ўзим истиқомат қилаётган «Галаба» богидан иш жойим Чилонзор масснвигача бораман. Бундан ўн уч йил муқаддам бу ерда биринчи уйни қўрган эдик. Уша пайтда жуда катта уй-жой районн қурилишига асос солинган эди. Уйимдан то Чилонзорга қадар мени миноралн кранлар ва янги қурилаётган уйлар кузатиб қўйишади. Кранлар ва уйларнинг ҳисобига етиш қийин.

Мана, марказга олиб борувчи Энгельс кўчаси. Бу кўча зилзиладан кўпроқ зарарланган, Илгарн у ерда ҳом ғиштдан қилинган бир қаватли уйлар бўларди. Бундай уйларда яшаш нм қонинги бўлмай қолди. Бир қаватли уйлар ўрнини кўпқаватли шинам биколар эгалладн. Бу биколар жуда мустаҳкам. Бу кўча зилзила марказига яқин бўлганлиги учун шундай бақувват иморатлар қурилди.

Энгельс кўчасини ким шу даража бежирим қилиб бежади! Россия бинокорлари. Автобусдан ўтган кишн биколар пештоқнга ёзилган «Саратов», «Челябинск», «Новосибирск» каби ёзувларни кўрадн.

Мен Пушкин кўчасидан унча кўп қатнамайман. Менга яқин бўлган бу кўчада москвалнклар уй-жой бнноларнни қурншмоқда. Улар жуда кўп уйлар қурншди. Тез кунда биз пойтахтнмиз бинокорларнн тантанали равишда кузатамиз.

Автобус Ленин кўчасига чиқади. Марказий универмаг бекати чап қўлда катта квартал кўзга ташланади. Ҳамиша: «Укрина — Тошкентга!» деган ёзувни ўқийман. Бу ердаги уйларга ялтироқ ғишт хуси бериб турибди. Кўча ёнидаги саф тортган 9 қаватли уйларга тикилиб завқланаман. Украина бинокорлари кеча-кундуз ишладилар. Биз улардан кўп нарса ўргандик. Дўстлар махсус илғор тажрибалар мактабн ташкил қилишди. Москва, Ленинград, Белоруссия, Болтиқ бўйи республикаларидан келган биродарларимиз ҳам тошкентликлар учун шундай мактаб ташкил қилиб, ўз маҳоратларини ўртоқлашишди.

Автобус Ленин кўчасида юришни давом эттирадн. Унга қараган кишн тахта девор орқасидан ажойиб қурилиш панорамасини кўрадн. У ерда Ленин номи билан аталувчи ҳнёбон қурилмоқда. Доҳиймиз туғилган кунининг 100 йиллиги кунида Тошкентнинг бу ажойиб бурчагн меҳнаткашларининг истнроҳат жойига айланади.

..Шота Руставели, Муқимий, Шаҳарнинг чнройли магистралларн, Шаҳримизнинг кўп миллатли районларидан бири Чилонзор массивн табора яқинлашмоқда. Бизда лекция ўқиган лектornинг айтишига қараганда, Чилонзорда 90 миллатнинг фарзандлари истиқомат қилади. 14 қардош республика ўз қурувчи отрядларини юборгач, Чилонзор аҳолисининг миллий составн янада ошди. Бундан уч йил муқаддам худди шу ердан бутун мамлакатимиз ҳашарн бошланган эди.

Мен ўн уч йилдан буён Чилонзорнк. қураман. Кўп иш қилдик. Масквда уч йил мобайнида қилинган ишлар ҳаммани ҳайратлантиради. Халқлар дўстлиги қандай мўъжизалар яратишга қодир эканлигини Чилонзор мисолида кўриш мумкин, Чилонзор яқинидаги Оқтепа, Дўмбробод таниб бўлмас даражада ўзгардн.

Мен юқорида бизга ёрдам берганн келган дўстларимиз тўғрисида гапирдим. Уларнинг ҳиммatидан миннатдормиз. Аммо биз Тошкент қурувчилари ҳам ўтган уч йил мнида озмунча иш қилмадик. Масалан, бизнинг бригадамиз ет-тита кўпқаватли уйни яхшн ва аъло баҳолар билан фойдаланишга топшириб. Турсунқулов кўчасидаги спорт мактаб-интернатининг уч қаватли ётоқхонасини қурдн. Ҳозир биз «Узбекфильм» киностудияси рўпарасида Кино уйи биносини қуряпмиз.

Бизнинг кўпмиллатли коллективимиз бир оила фарзандларидек иноқ. Яқинда менга ўз уйимга яқинроқ қурилишда ишлашни таклиф қилишди. Мен унамадим. Чунки ўзимга қадрдон бўлиб қолган трест, бошқарма, бир туғишгандек дўстларим — ўн йилдан ортиқ елкама-елка ишлаётган кишилардан ажралгим келмайди.

Бинокорлар куни арафасида ҳаётимда катта ўзгариш бўлди — бошқармамиз коммунистлари мени КПСС аъзолигига қандидат қилиб қабул қилишди. Бундан кейин ҳам ўртоқларимнинг юксак ишончини оқлаш учун ҳормай-толмай меҳнат қиламан.

О. НУРМУҲАММЕДОВА,
«Главташкентстрой» 153-трести 14-қурилиш бошқармасининг ғишт терувчиси, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор.



Ҳамза районида қад кўтарган бу бинолар арманистонлик қурувчилардан тошкентликларга туҳфа этилган.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

Абитуриент-69

ҒОЯТ ШОДМИЗ

Бу йил институтнинг 11 факультетига 20 дан ортиқ мутахассислик бўйича 800 га яқин абитуриент 1-курсларга қабул қилинади. Тарих, филология, химия, география, музикашунослик факультетларига ҳар бир ўринга 6-7 кишн имтиҳон топширади.

Институтга кирувчилар қалбида қувонч балқийдиган ҳам, ғамлик туғдирадиган кунлар ҳам келади. Мана, биргина табиёт, география факультетимизга 100 дан ортиқ студент қабул қилинади. Факультетга кириш учун эса 700 га яқин ҳужжат топширилган. Ана шулардан биз энг яхши, мукаммал билимга эга бўлганларни қабул қиламиз. Айниқса республикамизнинг узоқ областларидан: Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Қорақалпоғистон дан келган йигит ва қизларни кўплаб қабул қиламиз. Шу областлардан келган ёшларимизнинг билимлари пухта эканлиги кўзга яққол ташланмоқда.

Мана, химия-биология бўлимида биология фанидан имтиҳон олдик. Бизни ана шу узоқ областлардан келганлар ҳурсанд қилди.

Факультетга кириш имтиҳонларни олиш учун энг яхши малакали ўқитувчилар тайинланган, жумладан химия фанидан доцент Рашид Қодиров, Мурод Олимов, география фанидан ўқитувчи Тўра Шотўраев, Олимжон Асанов, биология фанидан доцентлардан Мурувват Солиҳова, Акбар Ғафуров каби ўқитувчилар кириш имтиҳонларни олишмоқдалар.

Нафиса ҚОДИРОВА,
Низомий номли Давлат педагогика институти кафедра мудири, доцент.

● Ташвишли сигнал

Хўжасизлик оқибати

Металл парчалари... Мамлакатимиздаги металлургия корхоналари учун зарур бу хом ашёга Магнитогорск, Челябинск ва Бекободдаги йирик индустрия гигантлари мақтал.

Шунинг учун ҳам шаҳримиздаги ҳар бир заводга металл парчаларн йиғиш бўйича топшириқ берилган. Ана шу топшириқларни адо этиш — муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган вазифадир.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Қўйлиқ механика заводи, Озиқ-овқат саноатн министрлигига қарашли тажриба-механика, асфальт-бетум, кўтарма темир-бетон конструкциялари заводи ва бошқа қатор корхоналар бу вазифани шараф билан адо этаётирлар. Бу корхоналар металл парчаларн тўплаш ярим йиллик топшириғини адо этдилар.

Лекин ҳамма жойда ҳам иш кўнгилдагидек деб бўлмайди. Қатор корхоналарда металл парчаларн запаси кўп бўлишига қарамай, уларни металлургия заводларига жўнатиш бир меъёрда давом этаётгани йўқ. Бунга санитария-техника жиҳозлари заводи, ёғ-мой комбинатларнн мисол қилиб келтириш мумкин.

Металл чиқиндиларини ифлос ҳолда топшириш ҳоллари ҳам тез-тез содир бўлиб турибди.

Йўл қурилиши трестига қарашли 46-автобаза (директори ўртоқ Вейгун), Тошкент электр машинасозлиги заводи (директори ўртоқ Абдуллаева), пластмасса буюмлари фабрикаси (директори ўртоқ Долимов) металл парчаларн топшириш графигини бузганликлари, уларни йиғиш, сақлаш ва жўнатишда камчиликларга йўл қўйганликлари учун бу корхоналарнинг ҳар бири 300 сўмдан жарима тўлади. 2-темир-бетон буюмлари заводида (директори ўртоқ Манаников) содир бўлган аҳвол айниқса ташвишлидир. Корхона раҳбарлари металл парчаларн етказиб беришдек масъулиятли ишга бефарқ қарамоқдалар. Завод ой сайин металл парчаларн тўплаш бўйича олинган топшириқнн бажармаётир. Ўтган олти ой ичида 150 тонна металл парчалари кам берилди.

Металл парчалари ортишга мўлжалланиб чиқарилган темир йўл вагонларининг бекор турнб қолиш ҳолларн рўй бермоқда. Бунга асосан корхона айбдордир. Юк ортиш эса фақат кундуз кунларигина амалга оширилади. 6622149-вагоннинг 26 апрелдан 5 майгача бекор турганн аниқланди. Биргина шу вагоннинг бекор турганлиги учун завод 300 сўм жарима тўлади. Ҳозир заводда уч вагон металл парчалари ётибди. Бироқ, раҳбарларнинг хўжасизлиги давлатга жуда қимматга тушмоқда.

В. МАЛАНИН,
«Узторчермет» бошқармасининг катта вакили.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ— УМУМХАЛҚ ИШИ

Совет ҳукуматининг қарорига биноан 1970 йил 15 январда навбатдаги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати ўтказилади. Бу тадбир муҳим сиёсий ва халқ хўжалик аҳамиятига эга. Рўйхатдан мақсад халқимизнинг ҳаётида, мамлакат экономикаси ва маданиятида рўй берган чуқур ўзгаришларни ҳисобга олишдир.

Социалистик тузум шароитида аҳоли рўйхатини тўла ва аниқ ҳисобга олиш, иқтисодий социал ва маданий планлаштиришда муҳим ўрин тутади. Меҳнаткашларни озиқ-овқат, пойафзал, кийим-кечак трансспорт, алоқа, турар-жой билан таъминлаш, мактаблар, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, касалхоналар, поликлиникалар, маданий-маориф муассасалари тармоғини кенгайтириш ишларини планлаштириш учун аҳолининг сони ва унинг характеристикасини ниҳоятда аниқ билиш керак. Мазкур рўйхат беш йиллик план якунларини кўриб чиқишда навбатдаги беш йиллик план, шунингдек перспектив планларни ишлаб чиқишда зарур бўлади.

Сўнгги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати 1959 йил 15 январда ўтказилган эди. Ўтган давр мобайнида Совет Иттифоқида, Ўзбекистон ва Тошкент шаҳрида аҳолининг сони, ёши, миллати, билим даражаси ва бошқа кўрсаткичлари ўзгарди.

Сўнгги уч йил мобайнида Тошкентда жуда кўп уйлар, кўчалар, муолишлар, проездлар йўқ бўлиб кетди. Уларнинг ўрнида янги турар-жой кварталлари, янги массивлар пайдо бўлди. Тошкент территорияси анча кенгайди, Сергели йўлдош шаҳарчаси, шунингдек Янгнобод, Октябрь ва бошқа хусусий уй массивлари бунёд этилди.

Бу ўзгаришлар аҳолини янгитдан рўйхатга олишда қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун ҳам маҳалла комитетлари, уй бошқармалари, ЖЭКлар, район коммунал хўжаликлари ходимлари, кўчалар, муолишлар, тупиклар номини тартиблаштиришлари, уйларга номерлар ёзилган тахтачалар осиб қўйишни яхши йўлга қўймоқлари, район милиция бўлинмалари эса гражданларнинг прописка га ўтиши ва ўчишини қатъий тартибга солишлари керак.

1970 йил Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати 1959 йилдагидан анча кенгроқ бўлади. Рўйхат қоғозида СССР халқлари тилларидан иккинчисини (она тилидан ташқари) билиши, ўрта маълумотга эга бўлмаган кишиларнинг қайси синф ёки курсларни битирганлигини, пенсионерлар асосан қайси вазифада ишлаганлигини, 1969 йили муттасил ишламаган одамлар бўлса қанча вақт ишлаганлигини, мазкур аҳоли пунктида яшай бошлаганига икки йил тўлмаган одамлар бўлса, аввал мунтазам қаерда ишлаганлигини, нима учун турар-жойни ўзгартирганлигини ҳисобга олувчи пунктлар бўлади. Шунингдек аҳоли рўйхатида уй ишлари ёки хусусий ёрдамчи хўжалик ишлари билан шуғулланаётган аҳолининг меҳнат қобилияти, аҳолининг шаҳар билан шаҳар ташқарисига қатнаши, одамларнинг турар жойидан иш ёки ўқиш жойигача бўлган масофаси ҳам ҳисобга олинади.

1968 йил июнь ойида шаҳар ижроия комитети қарорига биноан аҳоли рўйхатини муваффақиятли ўтказиш мақсадида Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати ўтказишга тайёргарлик кўрувчи шаҳар комиссиясини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Шаҳарнинг барча районларида ҳам шундай комиссиялар тузилди ва тасдиқланди.

Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати икки программа бўйича олиб борилади. Биринчи, тўла программада, оила бошлиғи, рўйхатга ёзилганларнинг жинси, ёши, оилавий аҳволи, миллати, тили, билим даражаси, яшаш манбаи ҳисобга олинади. Иккинчи программада эса иш жойи, ўқиш жойи, бир ердан иккинчи ерга кўчиши масалалари ҳисобга олинади.

Шу йилнинг қолган ойларида район ижроия комитетлари ва уларнинг бу ишга алоқадор бўлимлари СССР Марказий Статистика Бошқармасининг тасдиқлаган ташкилий планига биноан аҳоли рўйхатини ўтказишга катта тайёргарлик ишларни олиб боришлари керак.

Шубҳасиз, ҳар қандай вазифани одамлар бажаради. Аҳоли рўйхатини ўтказишдек улкан ва мураккаб вазифани ҳам одамлар ҳал қилишади. Шунинг учун аҳоли рўйхатини ўтказувчи кадрларни танлаш ва ўқитиш, ташкилий тайёргарликнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Рўйхатга олишга, ўзига топширилган вазифани муваффақиятли бажаришга қодир бўлган малакали ходимлар жалб этилади. Бу ишда мутассасалар, корхоналар, мактаблар, олий ўқув юртларининг студентлари ва техникумларнинг юқори курс талабалари актив иштирок этадилар.

Ҳозирги вақтда ҳар бир районда рўйхат бўлимлари, инструкторлик участкалари, комиссиялар тузилган. Уларнинг вазифаси давлат статистика органларига бу улкан ва масъулиятли ишни амалга оширишда конкрет ёрдам беришдир.

1970 йил Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати яхши тайёргарлик кўрилган ҳолда, умумхалқ иши сифатида юксак сиёсий савияда ўтказилиши керак.

М. МИРЗААҲМЕДОВ,
Тошкент шаҳар Статистика бошқармасининг бошлиғи.



В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг химия факультетида турли миллат фарзандлари билим олмоқда.

СУРАТДА: (чапдан) шу факультет студентларидан Д. Қунишева, Ж. Узоқбоев, Л. Головина, Д. Кампназарова ва А. Кимларни мутоала устида кўриб турибсиз.

А. ТЎРАЕВ фотоси.

2 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
БЕТ.
13 АВГУСТ, 1969 й.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЛАБ

В. И. ЛЕНИН МАҚОЛАЛАРИ ВА НУТҚЛАРИ ТЎПЛАМИ

Сиёсий адабиёт нашриёти «В. И. Ленин ишчилар синфи билан деҳқонларнинг иттифоқи тўғрисида» номли китобни нашр этди. Бу китобда Ленинниг ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи тўғрисидаги масалани чуқур очиб берган асосий ҳужжатлари — мақолалар, нутқлар ҳамда улардан парчалар бор. Ишчилар синфи билан деҳқонларнинг иттифоқи чор самодержавиесини ағдариб ташлаган, социализм қурган, унинг ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилган кучдир.

Тўпламда материаллар қачон ёзилганига қараб тартиб билан қўйилган. Бу эса ленинча фикр қандай ривожланиб борганлигини кузатиш имконини беради. Барча мақолалар ва нутқлар В. И. Ленин асарлари тўла тўпламидан олиб берилган. Китобда эслатмалар ва ном кўрсаткичлар бор.

Бу китоб маркча — ленинча назарияларни ўрганувчиларга мўлжал даб чиқарилган.

(ТАСС мухбири).

ДАСТЛАБКИ ДИПЛОМАНТЛАР

АНДИЖОН. (ЎзТАГ). Андижон пахтачилик институтида диплом лойиҳаларини ёқлаш бошланди. Яқинда олтмишдан ортиқроқ ёш мутахассис Ўзбекистоннинг турли районларига ишлагани жўнаб кетадилар.


Виктор Горин марказий Фарғона «Қорақалпоқ» коллекторида насос станцияси қурилиши тўғрисида диплом лойиҳасини муваффақиятли ёқлади. Дилбар Қодирова Сурхондарё область, Шеробод районидаги 6-совхознинг сугориш лойиҳасини тақдим этди.

Пахтачилик институтининг уч факультетида уч мингга яқин киши ўқимоқда. Бу факультетларда машғулот бошқа кўрсаткичлари ўзгарди.

ОҒИР СОСТАВЛИ ЮК ПОЕЗДИ

Андижон локомотив депосининг машинистлари беш йиллик тўртинчи йили бошланганидан бери оғир составли юзта поезд элтдилар. Бу составларда вазн нормасига қўшимча равишда 30 минг тонна чамаси халқ хўжалик юки ташилди. Холбуки шу йили ҳар маси бўлиб худди шунча юк ташиш мажбурияти олинган эди.

Андижон локомотив бригадалари ёқилғи тежаш йиллик мажбуриятини ҳам бажардилар. Юк ташиш қаражатлари камайганлиги туфайли тежамкорлик жамғармасига 32 минг сўм қўшилди.



Тюмень-Сургут темир йўли Ғарбий Сибирда зарбдор қурилишлардан бири деб эълон қилинган. Унинг узунлиги 700 километрни ташкил қилади.



АКТЮБИНСК ОБЛАСТИ. Ғарбий-Қозоғистон геология қидирув экспедициясининг геологлари кейинги икки йил ичида Шмолий Мугожарда йирик мис-руҳ конларини очишди.

СУРАТДА: Шмолий Мугожар. Бу ердаги кўмкўк майсазорларни тоғ ёнидаги ариқчалар қуршаб олади. Шунга қарамай геологлар қидирув ишларини давом эттирмоқдалар.

Д. Карачун, фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

ОТА ЧИРОҒИ

ҲИКОЯ

Нуриддин ота палаж бўлиб қолди. У касалхонада бир йилга яқин ётди. Кейин ўғли Орифга зерикканини айтган эди, у докторлар билан гаплашиб уйга олиб келди.

Ота кечаю-кундуз тўшакда ётарди. Бугун у ҳурсанд. Чунки келинини туғруқхонадан олиб келишди-да. Набиралик бўлди. Энди унинг уйига янги чироқ ёқилгандек бўлди. Ишқилиб набираси билан бахт келсин. Эҳтимол, Нуриддин ота набирасининг пойқадами билан оёққа туриб кетар.

Шу пайт Нуриддин ота хотинини йўлаган эди, кўзига беихтиёр ёш келди. Она бечора, якка-ю ягона ўғлининг келин тушадиган кунни, набиралик бўлишини нақадар орзу қиларди. Қани энди у ҳозир тирик бўлса, шуларни кўриб қувонса!..

Ўғли Ориф ҳар куни эрталаб отасининг олдига келиб соғлигини сўрар эди. Бугун ҳам у эрталаб отасининг ҳузурига кирди.

— Яхши ухладингизми? Кўнглингиз нима истайди, дада?

— Тузукман ўғлим. Лекин менга тўғрисини айт, Ориф, докторлар айтган гап тўғримми? Қўл оёғим ишламасдан ўлиб кетармишман. Эшитиб қолдим.

Орифнинг овози титраб, отасининг ёнига ўтирди-да, тасалли берди:

— Тузалиб кетасиз,— деди. — Мен сизни яхши қаратолмадим. Яна профессорга олиб бориб кўрсатаман. Тузалиб кетасиз.

— Барака топ. Бегланнинг роҳатини кўр, ўғлим. Яхшиям бахтимга сен бор экансан. Бўлмаса ҳолим нима кечарди.

...Икки инсон бири ёш, бири эса қариб, чириган дарахтдек мажруҳ бўлиб қолган. Ўғлини кўрганда, унинг ҳар бир ҳаракатидан отаси каби йўлда учраган ҳар қандай қийинчиликларни енгади бу йигит деб ўйлагинг келади.

Нуриддин отанинг эсига ўттиз йил бурун бўлган бир воқеа тушди-ю, ўғлининг деворда турган расмига қараб изтироб чекди. Ушанда хотини Нодирахоннинг қўлида касалманд эмизикли боласи, оёғи тагида йиғлаб юрадиган тўрт яшар ўғли бор эди. Бунинг устига яна қомилодор бўлиб қолди. Нуриддин Нодирахонни зўрлаб қорнингдаги болани туширр, — деб доктор олдига юборган эди. Доктор Нодирахоннинг ҳомиласини текшириб кўриб: «Ҳеч иложи йўқ, бола катта бўлиб қолибди» деб қайтарган эди.

Нодирахон ўғил тўради. Исмини Орифжон деб қўйишди. Нодира қийналиб учта ўғлини ўстирди. Ватан урушида Нуриддин ота иккита ўғлидан ажради. Фарзандларига куйиб-ёнган Нодира ҳам касал бўлиб, вафот қилди. Хотинидан ажрағанда кейин Нуриддин ака фалаж бўлиб қолди.

Нуриддин ота озиб-тўзиб кетган башарасини қаршисида турган шкаф ойнасида кўриб ҳайрон бўлди, ўзига узоқ қараб турди. Нечун? Бир вақтлар ноқадек ёш Нуриддин мана шундай бадбуруш бўлиб қолди-я! У бошини юқори кўтарди, лекин шу ондаёқ бошн шилқ этиб ётиққа тушди. У бошини ҳам қимирлатолмай қолди. Бироқ унинг юраги уриб турарди.

Ориф келса, хотини Зебохон қайнатасининг бошида турибди. Ориф отасининг энтикишини кўриб боши гир айланиб кетди ва ерга ўтириб қолди.

— Қаёқда юрибсиз? Кўрқиб кетдим. Худди уч соатдан бери шу тахлитда ётибдилар, — деди.

Иккови ҳам жим бўлди. Отасининг кўзлари юмуқ. кўриб қолган сариқ юзи ёғочдан йўниб ясалганга ўхшарди. Ҳар нафас олганда кўкрагидаги хомсурп чойшаб кўтарилиб-кутарилиб тушарди.

Нуриддин отанинг фақат миясн ишлаб турарди. Унинг кўзлари очиқ, аъзойи бадани ишламай қолиб замфлашган, миясини туман босган эди, шунда у умри охирлаб қолганини англади.

Нуриддин ўзидан кейин чирогини ёқадиган ўғли Орифга миннатдор бўлиб бир бор қаради, яхшиям ўшанда доктор менинг сўзимни рад этган экан, деган фикр миясидан ялт этиб ўтди, кейин жим бўлиб қолди...

Ўтан САДИРОВ.

ТЎЛҚИН

СЕВГИ

Инсон ошиқ бўлса гар —
Тубида иқбол қолур
Лекин севги сирини
Билолмай у лол қолур.

Кимки агар соф ҳисга
Доғ туширса заррача,
Олтин дея тутғани —
Қўлида сопол қолур.

Боғланиб қолдим мен ҳам
Ернинг қаро зулфига
Ўйладим бағрим узра —
Бир умр ҳилол қолур.

Ташна бўлиб боққан чоқ
Сеҳрлайди кўзлари,
Кўзларидан сўз излаб,
Дилимда савол қолур.

Киприклари кўксимга
Ботар отган ўқ каби,
Камон қошлар зулукдай,
Ёноқлари ол қолур.

Кулгуларни кулгуга
Пайванд этгим келади.
Лабларининг тотидан
Лабларимда бол қолур,

Сайр этамиз боғаро,
Гўё икки кабутар
Бизни кузатганича —
Бошин эгиб тол қолур.

Дунё нақадар гўзал—
Дилингда ишқинг бўлса,
Олдингда ширин ҳаёт,
Ортингда хаёл қолур.

Китоблар оламида

«Ғафур Ғулом»

Яқинда Ғафур Ғулом номли давлат бадиий адабиёт нашриёти шоирнинг шеърлар тўпламини босмадан чиқарди. Тўпламдан Ғ. Ғуломнинг «Турксиб йўлларида», «Яловбардорликда», «Тағдўзи» «Қўмсаш», «Қор», «Поль Робсонга», «Диплом», «Август»я, «Ленин учун», «А. Навоий қабри устида», «Авторучка» ва бошқа кўпгина шеърлари ўрин олган.

Китобни Баҳоб Рўзиматов нашрга тайёрлаган.

* * *

Доҳий образи ўзбек балладасида

Улуғ доҳий В. И. Ленин образини яратиш ҳар бир санъаткор учун фахрли ишдир. Ўзбек шоирларининг доҳий образини мадҳ этувчи балладалари ҳам эътиборимизга салмоқли ўрин тутади.

Ўзбек совет адабиётида Ленин ҳақида яратилган энг яхши балладалардан бири атоқли шоир М. Шайхзоданинг қаламига мансубдир. «Лениннома» деб аталган бу баллада 1935 йилда ёзилган эди. Машҳур ўзбек шоири Ҳ. Олимжоннинг «Самарқанд» 1924 йилнинг 22 январи»да номли балладаси ҳам Ленинга бағишланган асар сифатида завқ билан ўқиб келинади.

Ўзбек шоирларининг Ленинга бағишлаб ёзган балладалари М. Иброҳимовнинг «В. И. Ленин ўзбек балладасида» деган рисласида таҳлил қилиб берилган. Яқинда Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти томонидан нашр этилган бу рисола ўзбек совет поэзиясининг балладага жанрига бағишланган илмий тўпламларидан биридир.

«И. М. Мўминов»

«Фан» нашриёти И. М. Мўминов танланган асарларининг биринчи томини чоп этди. 1-томга муаллифнинг Мирза Бедилнинг фалсафий қарашлари, XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихига оид монографиялари ҳамда Ўзбекистон ССР халқлари тарихи ва маданиятининг айрим масалаларига доир асарлари киритилган.

Асар философлар, тарихчилар, шарқшунослар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиёти тарихи билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Ўзбек тилшунослигининг баъзи масалалари

Сўнгги йилларда ўзбек тилининг турли соҳаларини ўрганишда тилшуносликда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Лекин шунга қарамай, ўзбек тилшунослигида кўпгина ҳали ечилмаган проблематик масалалар тўрибди-ки, уларни чуқур ўрганиш ва ҳар томонлама синчиклаб текшириш лозим. Яқинда ёш тилшунос олимларнинг республика конференцияси бўлиб ўтди. Унда муҳокама қилинган доклад тезислари тилшуносликдаги актуал масалаларга бағишланади. Жумладан, М. Мукаррамовнинг «Ўхшатишнинг стилистик турлари, уларни юзага чиқарувчи тил воситалари», Р. Шукуровнинг «Антонимларнинг ишлатилишига доир», М. Иброҳимовнинг «Баллада термини ҳақида», Ж. Лапасовнинг «Дурбек ижодининг ўрганилиши», С. Тўлаганованинг «Отойи тилининг морфологиясига доир» каби маърузаларини айтиш мумкин. Доклад тезислари «Фан» нашриётида брошюра қилиб нашр этилди.

Р. ТИЛЛАЕВ.

Шоирнинг икки томлиги

Яхши асар доимо севиб ўқилади, қўлдан-қўлга ўтиб халқ мулкига айланади. Атоқли адиб Мақсуд Шайхзода яратган шеър ва поэмалар, драмалар ҳам китобхонлар жавонларидан муносиб ўрин олган.

Сўз санъаткорининг «Мирзо Улуғбек» номли драматик асарини Озарбайжон китобхонлари ўз она тилларида ўқишга муяссар бўлдилар. Пьесани талантли озарбайжон шоири Н. Хазри маҳорат билан таржима қилди.

Ҳозир «Озарнашр» М. Шайхзоданинг икки томлик асарлар китобини босиб чиқараётир. «Мирзо Улуғбек» пьесаси эса шу тўпламлардан бирида ўрин олади.

Планетамиз янгиликлари

ОККУПАЦИЯЧИЛАРГА ЗАРБАЛАР

ҚОҲИРА, (ТАСС). Сўнгги вақтларда Синай ярим оролидаги араб ташкилотларининг партизанлари Исроил босқинчиларига қарши ҳаракатларини анча активлаштирдилар.

«Ал-аҳром» газетаси партизанлар июль ойининг биринчи палласи билан август ойининг биринчи ҳафтасида бир қанча муваффақиятли операциялар ўтказганликларини маълум қилди. Газета Синай партизанларн ярим оролнинг жанубидаги Ақаба қўлтиғи соҳилидан шимолий районларигача бўлган ҳамма ерда ҳаракат қилаётганликларини ёзади. Масалан, 31 июль куни бир гуруҳ партизанлар Исроилнинг Рафаҳдаги ҳарбий губернатори қароргоҳида граната ташлаб, 7 солдатнин ўлдирганлар.

5 август куни бир гуруҳ партизанлар Ал-қантара районларида телефон алоқасини бузди, бошқа бир гуруҳи эса Рафахнинг шимолида темир йўлни портлатди. Партизанлар 6 августда Карантина билан Айюн Муса ўртасидаги районда Исроилнинг бир неча танкини мажақлаб ташладилар. Шу операция чоғида исроилликлардан бир неча киши ўлдирилди ва ярадор қилинди.


ҚАМОҚҚА ОЛИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК.. (ТАСС). Ассошиэйтед пресс агентлиги мухбирининг Афинадан хабар беришича, сўнгги вақтларда Греция полицияси 50 га якин кишини қамоққа олди. Греция пойтахтида бир неча марта бомба портлаганидан сўнг қамоққа олишлар бошланиб кетди.

6 август кечқурун Асфалия грек адвокати Георгиос Мангакисни яна қамоққа олди. У, диктаторлик режимига қаршилик кўрсатиш группаси қатнашчилари бўлган грек демократларининг суд процессларида уларни ёқлаб чиққанлиги билан машҳур эди.

САМОЛЁТ УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ, (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикаси ҳаво доирасига бостириб кирган америкаининг учувчисиз самолёти Хайхянг вилояти устида уриб туширилди. ВИА агентлиги. Шундай қилиб, ВДР осмонида Америкаининг 3314 — самолёти уриб туширилди.



БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ.

СУРАТДА: Софиядаги қадимги тарихий ёдгорлик обидаси бўлган «Муқаддас ибодатхонаси».



ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Республика касаба союзлари бадиий ҳаваскорлари коллективларининг кўригида.

ПОЛИЦИЯ ТЕРРОРИ КУЧАЙМОҚДА

ҒАРБИЙ БЕРЛИН. (ТАСС). Прогрессив жамоатчиликнинг норозилик билдиришига қарамай, Ғарбий Берлин сенати Бундесверда хизмат қилишдан бош тортиб, Ғарбий Берлинга кўчиб жойлашган ёшларни Германия Федератив Республикасининг маъмурларни қўлига топшириш ниятида эканлигини яна таъкидлади. Маҳаллий демократик матбуотнинг маълумотларига қарағанда, Ғарбий Берлин шаҳар маъмурияти кейинги йилларда ҳарбий хизматдан бош тортган икки юздан ортиқ ёшларни қонунга хилоф суратда Германия Федератив Республикасига юборди.

Сенатнинг газеталарда босиб чиқарилган баёнотида полиция ҳарбий хизмат ёшида бўлган йигитларни «Бундесвердан қочиб кетганлиги» учун жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида уларни Германия Федератив Республикаси Юстиция органлари қўлига топширишга қарши демократлар томонидан ўтказилаётган ҳар қандай норозилик намойишларини «мавжуд барча восталар билан бостиражаги уқтириб ўтилади.

ҒАРБИЙ БЕРЛИНДА НАМОЙИШ

ҒАРБИЙ БЕРЛИН. (ТАСС). Ғарбий хизматга чақириш ёшидаги ёшларнинг Ғарбий Берлин сенати Бундесверда хизмат қилишдан бош тортиб, Ғарбий Берлинга кўчиб жойлашган ёшларни Германия Федератив Республикасининг маъмурларни қўлига топшириш ниятида эканлигини яна таъкидлади. Маҳаллий демократик матбуотнинг маълумотларига қарағанда, Ғарбий Берлин шаҳар маъмурияти кейинги йилларда ҳарбий хизматдан бош тортган икки юздан ортиқ ёшларни қонунга хилоф суратда Германия Федератив Республикасига юборди.

Сенатнинг газеталарда босиб чиқарилган баёнотида полиция ҳарбий хизмат ёшида бўлган йигитларни «Бундесвердан қочиб кетганлиги» учун жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида уларни Германия Федератив Республикаси Юстиция органлари қўлига топширишга қарши демократлар томонидан ўтказилаётган ҳар қандай норозилик намойишларини «мавжуд барча восталар билан бостиражаги уқтириб ўтилади, граждапларни БОНН маъмурлари қўлига топширишга жавобгар бўлган ички ишлар сенатори Нойбауэрнинг истеъфо беришини талаб этувчи транспорантларни кўтариб ўтдилар. Намойиш иштирокчилари шаҳар маъмуриятининг бу ғайри-қонуний ҳаракатини бир неча марта баланд овоз билан қораладилар ҳамда тўсатдан маҳбурий равишда ГФРга олиб кетилган чақириқ ёшидаги бир группа ёшларни озод этишни талаб қилдилар. Намойиш техника университетидаги оммавий митинг билан тугади.

● *Социализм мамлакатларида*

Болгария

СОФИЯ. Дунай бўйидаги Русе шаҳрининг Иван Димитров номидаги кемасозлик заводи коллективи 1975 йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмини 1966 йилдагига нисбатан уч ярим баравар кўпайтиради. 1968 йилда Руседа 51 та дарё кемалари, буксирлар, кичик ҳажмли денгиз кемалари қурилди. Шу вақт ичида юздан ортиқ кема ремонт қилинди. Завод шунингдек портларда ишлатиш учун катта кранлар ҳам қурмоқда.

Югославия

БЕЛГРАД. Югославиянинг Штипа шаҳри яқинидаги Брегальница дарёсида сув омбори қурилди. Юз метр баландликдаги тўғон дарёни тўсди ва сунъий кўл ҳосил бўлди.

Янги сув омбори 28 минг гектарга яқин экинзор, токзор, мева боғларини суғоради. Мана шу сув омбори туфайли бу районда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили тўрт баравар кўпаяди деб мўлжалланмоқда.

Монголия Халқ Республикаси

УЛАН-БАТОР. Монголиянинг чорвадорлари ва деҳқонлари якка арат хўжаликларини кооперативлаш тугалланган кунининг юбилейини муносиб равишда кутиб олишга тайёрланмоқдалар. Қишлоқ хўжалик бирлашмалари ўтган йиллар мобайнида мамлакатнинг қишлоқ хўжалигида етакчи куч бўлиб қолдилар. Барча чорва молларининг тўртдан уч қисми шу хўжаликларнинг ихтиёридадир. Улар гўштнинг 80 процентини ва жуннинг 70 процентини тайёрламоқдалар.

Кооператив хўжаликларнинг экин майдонлари 1959 йилдагига нисбатан 3,7 баравар кенгайди. Кооперативларнинг даромади ўтган йили 1959 йилдагига нисбатан 3,4 баравар кўпайди. Даромадларнинг узлуксиз кўпайиши қишлоқ хўжалик бирлашмаларининг ўз аъзоларига кўпроқ моддий ёрдам кўрсатиш имкониятини бермоқда. Шу йилнинг ўзидагина уларга пенсия ва нафақа тариқасида 17 миллион тугрик пул тўпланди.

(ТАСС).

ХАЙФОН ЁНИДАГИ «ДЕНГИЗ САПФИРИ»

Бу шоирона номга эга бўлган жамоа Тонкин қўлтиғининг соҳилида, Хайфондан машинада 30 минут юриладиган ерда жойлашган. Бу ер балиқчилар оламн. Мен «Денгиз сапфирига келганимда балиқ тутиб қайтаётган қайиқлар яхши кўриниб турарди...

Мен машинани посёлкага кириладиган ерда қолдирдим. Биз кемалар боғлаб қўйиладиган ерга етиб келганимизда балиқчилар ўз ўлжаларини топшириб бўлган эдилар. Катта балиқлар тўлдирилган саватлар — Вьетнамда уни «катхуя» деб атайдилар — шийпонларда турарди. Қайиқларда тўрларни қуритиш учун ёзишардилар.

Мен соҳилда жамоа раисининг ўринбосари Динь А. билан танишдим. У ёш бўлмаса ҳам жуда ғайратли киши экан. Динь А. эрталаб денгизга чиқиш натижаларини бригада бошлиқлари билан бирга ҳисоблаб чиққан, ҳозир эса ўз ён дафтарчасига нималарнидир ёзиб қўяётган эди.

— Бугун балиқ яхши овланди, — деди Динь А. —қарийб 4 тонна келади. Айтгандай, бизнинг энг яхши бригада бошлиғимиз Лю Дик Бат билан танишиб қўйинг. Бугун балиқ тутишда унинг ҳиссаси айниқса салмоқли.

Уфқ устига кўтарилган қуёш чидаб бўлмаслик даражада қиздиряпти. Соҳилда иш тугади. Биз посёлкага қараб жўнадик. Йўлимиз кўтарма тепаси бўйича бормоқда. Унинг ёнида эса узун бетон иншоотлар жойлашган. «Булар денгиз сувини киритадиган тарновлар,— деб тушинтирди Бат, — уни қуритиб туз оламиз».

Ниок-мама ишлаб чиқариш заводини ўтиб кетдик. Буни тушинтириб ўлтиришнинг ҳожати йўқ. Балиқ қайласининг ҳушбўй ҳиди келиб турибди. Батондан қилинган очиқ майдонларда аъло сифатли балиқ қайласи учун котадиган майда денгиз қисқичбақалари қуритилмоқда.

Батнинг ва оиласининг фахри ҳисобланган қурилган пишиқ уйдамиз. Бригада бошлиғи ўз турмуши ҳақида сўзлай бошлади:

— Менинг отам ва бувам наслий балиқчи. Биз ўтмишда ярим оч ва қашшоқ бўлиб яшардик. Бамбуқдан қилинган кичкина қулбада тиқилиб ётардик. Отам оиласини тўйдиролмай бола-чақаси билан кўмир конига кетишга мажбур бўларди. Мен ўша ерда ишчилар орасида маҳфий иш олиб боришдаги биринчи тажрибани ўргандим. Алоқачи, разведкачи бўлдим. Туғилган посёлкамга август революциясидан кейингина қайтдим. Биринчи кундан бошлаб кооператив тузишда қатнашдим. Тўғрисини айтаман, дастлаб кишиларни коллектив хўжаликка киришга кўндириш осон бўлмади. Ҳозир эса кооперативимизнинг 1284 аъзоси, шу жумладан 356 балиқчиси бор.

«Денгиз сапфири»да бўйралар, конуссимон шляпалар ишлаб чиқарадилар, пилла қўрти боқадилар, ғишт пиширадилар, сабзаватчилик билан шуғулланадилар. Унинг хўжалиги катта ва мураккаб. Бироқ унда балиқчилик энг асосий иш ҳисобланади. Кооперативда 11 балиқ овловчи бригада бор. Мисол учун Бат бригадасида 84 киши бўлиб «парки» 11 қайиқдан иборат. У социалистик меҳнат бригадаси номини олган етакчи коллективларнинг бири.

— Тикланиш вақтидаги оғир шароитга қарамай, — деб яна суҳбатга аралашди Динь А, — балиқчиликдан олинаётган даромад тўхтовсиз ўсмоқда. Биз ўтган йили планни 17 сентябргача бажариб, йил охиригача тутилган балиқни 1583 тоннага етказдик. Шу туфайли жамоат фонди юзага келтирдик. Мактаб қурилиши учун 12 минг донг уруш вақтида зарар кўрганларга ёрдам бериш учун 19 минг донг пул ажратиб бердик. Турар жойлар қурияпмиз. Планимизда посёлкада асосан ғишт уйлар қуриш кўзда тутилган эди. Уруш буни амалга оширишга йўл қўймади. Ҳозир биз яна дастлабки планимизга қайтдик. Ҳар йили 30-35 тадан уй қурмоқчимиз.

Батнинг рафиқаси термос олиб кирди. Ҳушбўй кўк чой Америкада ишлаб чиқарилган сигарет қолдиғидан қилинган кружкага қуйилди. Ҳамма жим бўлди.

— Снарядлан кружка қилиш учун кўп вақт керак эмас, — деб орадаги жимликни бузди Бат, — аммо кишилар Америка қизғунларининг қилган ёвузликларини тезда унутмайдилар. Ҳаво уруши йилларида биз озмунча дўстларимизни йўқотмадик. Коммунист Нго Ван Канни ҳеч қачон унутмайдилар. Бу дадил ва қатъий характерли киши шиддатли отишмалар бўлаётганига қарамай, очиқ денгизга биринчи бўлиб кетар ва ҳамиша кўплаб балиқ овлаб қайтарди. 1967 йилнинг 17 октябрида Кан бригадаси ҳамма вақтдагидек денгизда соҳилдан 40 километр нарида эди. Соат 4 да етти самолётдан иборат группа қайиқларни ўққа тута бошлади. Улар пастлаб учиб бомба ташлар, балиқчиларни отар эдилар. Бомбалардан бири Кан чиққан қайиқни пайраҳа қилиб юборди. Унга «Қаҳрамонона ҳалок бўлган жангчи» унвони берилди.

— Будай ҳужумлардан юздан кўпроғи эсимда, — деб давом этди уй эгаси, — қасоскорлар душманга ҳамма вақт муносиб жавоб бериб келдилар. Жамоамиз осмонидагина икки қирувчи бомбардимончи уриб туширилди. Бир куни зенитчиларимизнинг Америка самолётини уриб туширгани эсимда. Биз соҳилга яқин ерда бўлганимиз учун учувчининг самолётдан қандай ташланганини кўрдик. Бир неча балиқчи бир минут вақтни ҳам ўтказмай учувчи сувга тушган ерга кемаларда жўнадик. Самолётлар бизни унга яқин йўлатмаслик учун тепамизда айланиб юришди. Вертолётлар уларга ёрдамга келди. Лекин биз қизғунни асир қилишга улгурдик. Душманнинг еримизда юришига ҳеч қачон йўл қўймаймиз.

— Биз Совет Иттифоқида балиқчилар бундай ибтидоий қайиқларда эмас балки замонавий техника билан қуроллантирилган кудратли траулерларда балиқ овлашаётганини биламиз, — деди хулоса қилиб Бат. — ҳозирча биз бу ҳақда ҳаёл сурамиз, холос. Аммо биз Советлар мамлакатининг бугунги кунн бизнинг эртамиз эканини ҳам биламиз. Кейинги йилларда биз босқинчилар устидан катта ғалабалар қозондик. Бирок биз эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолмаймиз. Бизнинг «ҳамма нарса тўла ғалаба учун, ҳамма нарса ватанни бирлаштириш учун» деган шиорларимиз ўз кучида қолади. Республикамизнинг балиқчилари ва барча меҳнаткашлари ана шу шиор билан яшамоқдалар.

Ханой.

Б. ШУМЕЕВ,
АПН мухбири.

38 КИЛОГРАММЛИ ҚОВОҚ

● *Табиат ажойиботлари*

Мурғак гўдак ўйнаб ўтирган бу улкан қовоқни кўришингиз билан қайси далада етилганини? деб ҳайрон бўларсиз. У, далада эмас, Октябрь районининг Маориф кўчасидаги катта ариқ бўйида ўстирилган. Уни шу кўчада истиқомат қилувчи шифокор Зикрилла Эгамбердиев эккан. Қовоқ торозуда тортиб кўрилганда 38 килограмм чиқди.

— Полиз экинларидан ҳисобланган қовоқ жуда ҳам серҳосил бўлади, — деди шифокор. — Унинг турли дардларга даволигини айтмайсизми!.. Қовоқ қон томирлари, қон босими, зотилжам, томоқ оғриғи, тиф, ошқозон касалликларига ғоят шифобахшдир. Айниқса, ҳаддан ташқари семириш касалини даволашда ҳам қовоқ яхши ёрдам беради. Қовоқни қексаларимиз жуда суюб истеъмол қиладилар.

Мен шифокорнинг бу гапларини эшитиб ўйланиб қолдим. Халқимиз қадимдан ширин-шакар қовоқлардан тотли ва хушбўй овқатлар тайёрлашганида ҳикмат кўп экан-да! Шунинг учун ҳам қовоқсомса, қовоқманти, қовоқшўрва, ширқовоқ, мошқовоқ ва қовоқдан тайёрланган бошқа хил таомлар халқимизнинг суюкли овқатлари бўлган.

Пазандаларимиз ошхоналарда қовоқдан турли хил овқатлар тайёрлашни йўлга қўйсалар, хўрандаларимизни ҳурсанд қилган бўлур эдилар.

Т. РАСУЛЕВ.



СУРАТДА: 38 килограммли қовоқ.

Ю. Бутусов фотоси.

НИКОЛАЙ НИКИТИН

Кўқон воқеаси

РОМАН

Бошқалар индамай, ҳақиқатни ичда сақлаб юришарди.

Ҳамдам ҳам ҳақиқат қаер далигини билар. шу сабабдан хушомадгўйларга ғиқ этмасди. Хушомадгўйларнинг баландпарвоз сўзларини маъқуллашни истамай, бошини эгиб ўтирганларни Ҳамдам назар-писанд қилмасди. У ўтмишнинг гўё ўзи алоқаси йўқдек ҳеч кимни рад этмас, ҳеч нарсани хотирламас эди.

Лекин у хотирага олишга арзийдиган гаплар кўп эди аслида...

Ҳамдам Сибирь конларидан февраль революциясидан илгариёқ қочган эди. Ўн олтинчи йилда у қирғиз чўлларида яшириниб юрди, фақат ўн еттинчи йилнинг мартида Фарғонада пайдо бўлди.

Ҳамдам чолларнинг гапларига соқолини силаб мийиғи остида кулиб қулоқ соларди. У одамларни севмас, уларга ишонмасди. «Одамлар қўрқоқ, ким зўр бўлса, ўшанинг орқасидан эргашади, ўзи катта куч эканлигини ҳаёлига ҳам келтирмайди. деб ўйларди у.— Одамлар ҳидлаш қўлидан келадиган кишининг қўлида бир гул. Аммо гуллар сўлийди... Шунда ҳидлагинида, сўнг улоқтир!» Ҳамдам одамларга мана шундай муносабатда эди.

Кишан, жабр-ситам, хиёнат ва сотқинлик, қон тўкиш ва дор — Ҳамдам мана шулар билан таниш ва шуларга ўрганиб қолган. Унинг бағри сағана тоши каби қотиб кетган у қўрқоқ чолларга табассум бағишлаб, знёфат қиларди. «Эҳтимол ўшанда шулардан бири сотқинлик қилиб, қўзғолонни барбод этгандир» деб ўйларди-да, уларга бўлган нафратини яшириб янада назокатли ва ҳушфеълроқ бўлишга тиришарди. Ҳамдам бу соддадил одамларга ўз фикрини уқтириш учун иззат-ҳурматдан аста-секин насиҳатгўйликка ўтарди. Хешақаробалариниг ҳовурини босиб, ҳозир қандай ҳаёт кечиришини фақат унинг ўзи. Ҳамдам билади, деб ишонтиради.

У шундай дерди:

— Мамедовга ишонманг! Эргашга ишонманг! Большевикларга ҳам ишонманг! Мулла Бобо авлиё бўлса-да, унга ишонманг! Менга ҳам ишонманг! Мен ҳам одамман. Аммо кимики ўзини кам ўйлаб, ҳаёт-мамот ҳақида кўп ўйлаган бўлса, ўша ҳудонинг асил бандаси. Менинг ҳеч нимам йўқ. Бу уйлар, мана бу идишлар. бу гиламларнинг ҳаммаси бировларники...

Ҳақиқатан ҳам Ҳамдам ёт кишининг уйида яшарди, атрофидаги буюмлар совғага келган ва қарага олинган нарсалар эди.

— Менинг фақат ақли-идроким ўзимники. Булар менинг хусусий мулким. Қани, менга ўхшаган яна бирорта бегараз кишининг номини айтинг-чи, менга! Куч-қувватингизни беҳуда сарфлаб ўтирманг, унн худди банкка пул қўйгандек, сақлаб қўйинг! Бу куч-қувват ҳали керак бўлади. Мен жинни билан жиннилар тилида гаплашаман, бироқ соғлом кишидек фикр юритаман. Шуни унутмангки, бир тўда ит суякни кўриб, унга ёппасига ташланганда, ақлли мушук жангга аралашмай, чеккада ўтириб олиб, итлар бир-бирининг гўштини гажий бошлаганини кутади. Ана шундан сўнг у суякни олиб қочади. Сиз мендан қатъий фикр олиш учун келгансиз. Сиз табассум қилиб мени кўкларга кўтариб мақтаяпсиз ва тезроқ газоват эълон қилишимни талаб этяпсиз. Мен эса сизга очиғини айтиб қўя қолай. Қўйларингизни аяманг! Аламанг уларни! Келинг, йигитлар дам олишсин, ҳордиқ чиқаришсин. Ҳали улар иш берадиган вақтлар олдинда.

Ҳамдамнинг ёнида йиртиқ тўн устидан шоҳи белбоғ боғлаган унинг ўғли, соқчиси Абдулла турипти. Қўлида қамчи. Икки бети қизғиш пучуқ бефаҳм, саводсиз бу хумпар воқеаларнинг гап-сўзларнинг маъносига асло тушунмасди. Отасининг энг охирги қўйлар тўғрисидаги сўзларигагина унинг фаҳми етди. У чолларнинг ҳамма гапи жуда оддий бир нарса устида бораяпти, яъни улар кишиларни ҳадеб боқаверіб, жондан ғўйган. эндиликда зарарларни ҳисобга олиб отамни жанг га ундаяпти. деб тушунди.

У ишларини ғижирлатиб-да, қамчи билан қарсиллатиб гиламни урди. Ҳамдам қўлини кўтарди-да, оҳиста деди:

— Чангитма. Абдулла!

Ўғил ҳовлига чиқди. Чорак соатдан ўтгач чоллар ҳам чиқди. Улар яна бир неча кун—жумагача кутишга розн бўлишди.

Қўчада, дарвоза олдида юк ортилган нфлос туялар турибди. Карвон Ҳамдамнинг йигитларига ҳарбий омбордан ўгирланган унни келтирган эди. Офтоб жазиллатмоқда...

22

Худди шу кун тонг пайтида Аввакумов билан Сашка Қўқон станциясида Жанубий Фарғонадан пиёда келган Блиновнинг йигма отрядини қабул қилдилар. Станциядаги буфетда Агния Ивановна столларга дастурхон ёзиб, нон ва чой тайёрлаган эди. Ҳаммаси бўлиб қуролли юз йигирма солдат ва икки пулемёт келди...

Мана буни дурустгина бир куч деса бўлар... Ҳатто Агния Ивановнанинг чеҳраси очилиб кетди. У катта чойнакни кўтариб у столдан бу столга югурарди. Буфет ичи, буг кўтарилди. «Онажон... Бу ёққа ҳам онажон...» деб ҳар томонда чиқиришарди қизил гвардиячилар кружка, стаканларни тутиб. «Кампир ҳаммага баробар илтифот билан хизмат қилишга ўринарди. Мана шу тўс-тўполонда унинг жони ором оларди, ваҳима-ташвишлардан халос бўлиб, осойишта ҳаёт кечираётгандай бўларди. Кампир қувониб. йигитларга жавоб қиларди:

— Ҳозир, қўзичоқларим! Ҳаммага етади.

Унинг қарашлари, ҳаракатлари, сўзининг оҳангларида қандайдир илиқ дилкашлик сезилиб турар, бу ўтирган йигитларнинг ҳар бирига онани эслатарди. Қизил гвардиячилар бирор сўз қотиш учун турли баҳоналар билан унинг атрофида уймаланишарди.

Қилтириқ жулдурвоқи пулемётчи Оська Жариковский Агния Ивановнанинг тоза ювиб, дазмолланган нўхатнўхат гул солинган қора атлтин кўйлагига диққат билан тикиларди. Кўйлак ялт-ялт этиб турарди.

— Нечпул бунинг нархи? — деди у икки бармоғини Агния Ивановнанинг елкасига теккизиб.

Бироқ шу заҳоти ўртоқлари унга бақириб, жекириб беришди-ю. у дарров узр сўраб ғўлдиради:

— Кечиринг, онажон!— деди у кўзларини ўйнатиб. — Сизни мен буржуйлардан бўлса керак деб ўйлабман.

Агния Ивановна Оськанинг оқил ва бесаранжом кўзларига қараб, деди:

— Узингни гўлликка солма, водон!

Ҳаш-паш дегунча бутун станцияда тер. махорка ва этик ҳиди аниқ кетди. Пирамидага тахланаётган милтиқлар жаранглади. Қизил гвардиячилар ўқ тўла яшикларни кўтариб, қўқоникларнинг қўрқоқлигидан ҳазиломуз кулишарди. Шаҳар вокзалдан қараганда улар назарида оддий, тинч ҳаёт кечираётгандек сезиларди. Улар аллақачон ўзини қолиб деб ҳис этарди. Веревкин станцияда яна Перовскдан саксон кишилик қизилгвардиячи отряд пайдо бўлганини ва улар ҳам шёда шу ёққа келаётганини эшитгач йигитларнинг ғайратига ғайрат қўшилди.

Аввакумов Блиновни идорага бошлаб кирди.

Блинов столи ёнига ўтирди-да, оғир этиги билан ердаги махорка қолдиғини эзиб ташлади. Пахтали калта чопон унинг гавдасини сиқиб қўйган эди. Чопон жуда калта, этаги камарга зўрға етар, енги эса тирсакдан нарига бормасди. Гўё новча улкан киши бир миттининг тўнини кийиб олгандай.

Блинов чўнтагидан ипасқи одекалон шишасини чиқарди, шиша пробкани суғуриб олди. ундаги қорамтир суюқликдан бир қултум ичди, сўнг пробкани ҳидлади-да, яна аста шиша оғзига суқиб қўйди. Аввакумов бунга қизиқиб қолди.

— Нимани ютяпсиз, ўзи? — сўради у Блиновдан.

— Йўтал қийнаяпти!— деди Блинов ва оғзини артди-да, кулди. Бу дорига ўхшаш нарса... Лекин тозалаб ўзимга дори қилиб олдим. Ёрдам беряпти.

— Дурадгормисиз?

— Ҳа... Вагон мастерскойида ишлайман.

—Хўш, мастерскойда аҳвол қалай? Омманинг кайфи? Тошкентда нима гап?

—Аҳвол, у ерлар ҳам худди шу ердагидек.. Иқилоб қиляпмиз. Кайфият турлича. Катта шаҳар. Турли хилдаги одамлар билан тўлган.. Бўлаётган воқеаларни бирданига тушунтириб бўлармиди? Бунинг устига, мен сўзамол ҳам эмасман.

Бадқовоқ дурадгорнинг бу жавобини тинглаб турган Аввакумов чеҳраси очилиб кулиб қўйди.

— Ҳа, майли..— деди у. — бўлмаса, мен сизга бизнинг Қўқонда қандай воқеалар юз бераётганини айтиб берай...

Блинов диққат билан тинглади. Шаҳар аҳолисидан кўп кишилар қалъага қочиб кираётганини эшитганда у бошини чайқаб норозилик билдирди.

...Қалъага келгач Аввакумов уни ўртоқлари билан таништирди. Блинов индамай қўл узатарди. Сашкага у ёқмади.

— Гунгми бу? Нечундир ҳеч нафасини чиқармайди-я, — деди жаҳли чиқиб Сашка.

Чанишевдан элчи келди. Ҳарбий министр агар қалъани топширса ҳамма солдатларга Қўқондан ўз эрки билан чиқиб кетишга рухсат беражагини ва ҳатто ўз ватанига жўнатиб қўйишни ваъда қилипти.

Кенгашиб олгач, Мустафога қўйидаги талаблар билан яна вакиллар юборилди: 1-пункт-эртага соат учда Воскресенская майдонига ҳамма яроғ-аслаҳаларни олиб бориб қўйиш. 2-нчи пункт-мухторияткн ҳукумат истеъфо бериб ҳокимиятдан воз кечади, акс ҳолда қалъа тўплари шаҳарни ўққа тута бошлайди.

Аввакумов бу бир пўписа, майнабозчилик эканини тушунса ҳам шундай қилишга мажбур эди. Ҳеч нарсани назар-писанд қилмай мадад етиб келгунча бошни баланд кўтариб турмоқ керак эди. Тошкент ҳамон сусткашлик қиляпти.

Бу ҳол Аввакумовнинг жиғига тегарди. У жаҳлга миниб, тошкентликларни жуда қаттиқ сўкарди.

Аввакумов ноҳақ эди, чунки у Қўқонга тез одам юборишда Тошкентга халақит бераётган шарт-шароитларни билмасди. Худди ана шу пайтда Оренбургда атаман Дутов кўзғолон кўтарди. Қўзғолон кўтарган рус казаклари пухта уюшган ва қуролланган эди: шу сабабдан Тошкент даставвал мана шу душманни гумдон қилишга қарор қилган эди..

Тошкент нега жуда сусткашлик қилаётганининг ҳақиқий сабабларини билмаган Аввакумов эса, тошкентликлар Қўқон воқеаларига аҳамият беришмаяпти деб ўйларди. У яна бир нарсани — энг муҳим нарсани:— Тошкентдагилардан баъзилари Қўқон мухториятига «Баъзи мусулмон бойларининг фавқулодда аҳмоқона иши» деб баҳо бериб қўйганини ва «Бу ўз-ўзидан барбод еб кетар» деб бепарво бўлаётганини ҳам билмади. Блинов унга буни айтган эди, Аввакумов ташвишга тушиб сўради:

—Сен шунга ишонасанми? Йигитлар адашяпти...

—Билмадим. Ўз миллати учун жанг қилишяпти. Шундай дейишди менга.

— Қўй бу гапингни..- — рад этди унинг сўзини Аввакумов. Беҳуда гап бу! Ҳозир ҳокимият учун талашаётган корчалонлар миллатни бир тийинга сотиб юборишади. Пул учун. моли-мулк учун жанг қилишяпти. Бўлгани шу. Кўриб турибсизки, капитал қўлдан кетяпти. Булар миллатни ўйлармиди? Ҳаммаси фабрика-завод эгалари, собиқ чор ҳукуматининг ҳарбий бошлиқлари ва рус чиновниклари.. Фақат меҳнаткашлар ҳукумати мустаҳкамланиб олсин, ана ўшанда меҳнатсевар ўзбек, татар, ёки бошқа ҳар қандай миллатдан чиққан меҳнаткаш миллат нима эканини яхши тушунib олади.

— Менимча буларнинг ҳаммаси аксил инқилобчи тўдалар,— деди у кенгашда ҳам.— Уларнинг ёлғон гапларига ишонмаслик керак. Бу сифий масала! Аммо биз эҳтиёткорлик билан иш кўришимиз лозим.. Кучимиз жуда оз-да... Ҳозирча музокара юритаверамиз.. ишни кейинга сураверамиз.

Делегатлар бир парча қоғозга ёзилган совет уламутумини олиб яна эски шаҳарга, Мамедов ҳузурига боришди.

Мустафо Мамедов министрлар кенгашисиз ҳеч нима дея олмайман менинг фикримча, ультиматумнинг бажарилишига умид қилмаса ҳам бўлади, деб айтди. Мустафо юмшоқ чуқур курсида бошини қуйи солиб Муратовнинг далилларини назокат билан тинглаб ўтирар. Баъзан у делегатнинг сўзини аста бўлиб, бирор аҳамиятсиз нарсани сўраб оларди. Хуллас у ҳузурига бирорта ҳафтафаҳм келган министра ўхшарди ҳозир.

Қўқоннинг ўзида шу пайтда большевикларга қарши очиқдан-очиқ пропаганда юргизлаётган эди. Домламомлар ҳеч нарсадан ҳайиқмай ташвиқот қилар. Эргашнинг газандалари атрофда русларни ўлимга дучор этарди. Мельниково станциясида Ҳамдамнинг отрядн темир йўлчиларнинг ҳаммасини пичоқлаб уй-жойларини ёндириб юборди. Ана шу Ҳамдамнинг ўзи яна Чанишевга станцияга қилинган ҳужум кутилмаган ҳолда менинг рухсатимсиз бўлди деди. У қон тўкиб, ҳаммани талон-тарож қилиб қутуриб кетган Эргашнинг отрядларини мисол келтириб, менинг отрядимда ҳам шундай ҳол юз беришига йўл қўймаслик учун ҳеч қандай восита чора йўқ деб маълум этди. «Эргаш бир ёқлик қилинмагунча,— деди у,— мен унга қарши бирор ҳаракат қилолмайман. Акс ҳолда менинг йигитларим ҳам Эргаш томонга ўтиб кетади».

Ҳийлакор Ҳамдам Эргашни йўқ қилиб ташлаш пайнга тушган эди. У иккала томон отрядларини бирлаштириб, уларни ўз изму ихтиёрига олмоқчи эди. Шу билан у Чанишевга ва Мамедовга гўё бир нажотли йўл кўрсатиб бераётгандай бўларди. Аммо бошлиқлар иккиланиб, Ҳамдамнинг таклифига кўнмади, чунки Эрондан Ашхабод орқали ўн еттита халқ полки яқинлашяпти. Уларнинг эшелонлари, отлари, яроғ-аслаҳалари, уч дюмли замбараклари Закавказье темир йўлида келяпти. Полковник Зайцев ҳам Хива воқеасидан шулар томонга қочиб ўтди ва ўзининг Оренбург казак полклариии Эронга қарши юришда қатнашган отлиқларга қўшди.

Казаклар расмий буйруққа мувофиқ, ўз қўшинлари ёнига етиб, олиш учун уйларига қайтаётган эдилар. Генерал Дутов казакларга Туркистон орқали ўтиб Қўқон мухториятига хизмат қилиш тўғрисида буйруқ берди. Казаклар Самарқандни б о с и б о л и ш д и. Самарқанд большевиклари яширин ишлашга кўчди. Дутовнинг Мамедов ҳукумати ҳузурига юборган агенти Қўқонга келди. Шу кундан бошлаб Қўқон ҳукуматя ўзини жуда дадил ҳис этади. Жемс ҳам шу ерда ўз иши билан банд. У коммерсант савдогар ниқобига бурканиб олиб, моддий-молиявий ёрдам беришга - тайёрмиз, аммо бир шарт бор. Бутун чора-тадбирларни ишлатиб, Туркистонни большевиклардан тозалашларинг керак, деди «мухторият» бу шартга кўнди.

Муратовнинг асаби қўзғади. Соатини чиқариб Мамедовга вақтни соліштиришни таклиф этди.

У таажжубланди:

— Нега?

— Нега бўларди! Ультиматумимизда вақт-соат белгилаб қўйилган.

Мустафо кулди-да, намин устидаги шиша қалпоққа ишора қилди. Қалпоқ остида уқ-ёй ва циферблат ўрнатилган Амурнинг бронза сурати турар эди.

Вакиллар ташқари чиқишди. Муратов орқадан алланиманинг қичқиргинини эшитиб тўхтади. Эшик олдида ҳеч ким кўринмасди. Биров иккинчи қаватдан шошиб тушиб келяпти. Кимдир тўсатдан Мамедов ҳузурига кирди шекилли, кабинетдан Мамедовнинг ғазабли ва чиқириқ овози эшитилди:

— Мени назорат қилишга ҳеч қандай зарурат йўқ! Мен приказчик эмасман!— диб қичқиради Мамедов. Зинага черкаска кийган офицерлар ёрдамлашиб чиқишди. Муратов шошапипша жўнаб қолди. Эшик олдида уни извошчи Юсуф кутиб турарди.

Тўлқин РУСТАМОВ
таржимаси.

ХОДИСА

ХОЛОДИЛЬНИККА ЯШИРИНГАН ЎҒРИ

Шаҳримиз вокзали ҳамма вақт гавжум бўлади, биров сафарга отланади, биров эса келади. Кутиб олувчилар қўлида гулдаста, юзларида шодлик.

Мана, «Тошкент — Новосибирск» поезди перронга келиб тўхтади. Қўлида кичкинагина чемоданча кўтарган бир киши поезддан тушди. Кўринишидан Тошкентга биринчи бор келганга ўхшарди. Қаерга бориши керак? Бўш скамейкага келиб ўтирди ва бироз хаёл суриб қолди, ёнига икки киши келиб ўтирганини ҳам сезмади.

— Ҳа, йигитча мунча хаёл суриб қоддингиз.

— Ҳозир поезддан тушдим. Биринчи келишим шаҳрингизга тезлик билан жавоб берди у.

...Орадан кўп ўтмай улар танишиб олдилар. «Меҳмон» Валентин Судаев 35 ёшлар чамаси, озгинроқ, кўзи ўйнаб турган киши эди. Уч дўст танишиш шарафига Салор бўйидаги ошхонада роса, мириқиб ичишди. Эрталаб Судаев «Ҳушёрхона»да ётганини англади. Шундай қилиб «меҳмон» биринчи тунни ёқ хўшёрхонада ўтказди...

Валентин бу ердан «бўшаб» Самарқанд автостанциясига келди ва дуч келган автобусга чиқди. Бироқ, қаерга кетаётганини ўзи ҳам билмасди. Бир пайт галварс «меҳмон» Олмалиқ шаҳрига келиб қолади. В. Судаев бу ерда қурилиш ташкилотларининг бирига амаллаб жойлашди.

Бироз вақт ишлаб юради. Бироқ.. ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, у яна «қилмиш» ини бошлайди. Ишлаб турган жойидан ҳар турли калитларни ясаб, кундуз куни бир неча квартиралардан эгалари йўқ вақтида буюмларини ўғирлаб кетади. У ўғирланган буюмларни М. Исмли хотиннинг уйига олиб борнб қўяр, у эса пулларди. Эпчил М. ўғирланган молларни Тошкент, Чимкент, Жамбул шаҳарларига олиб бориб сотиб келарди.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам маълум бўлади. В. Судаевнинг изидан оператив ходимлардан Муртаз Файзуллаев ва Ринат Сулеймановлар тушдилар. В. Судаевни гумон қилиб. М.нинг уйига борганларида, у уйда йўқ эди. Ходимлар бир неча марта уни орқасидан кузатиб, ўйнга кетма-кет кирган вақтларида ҳам у уйда йўқ бўлиб қоларди.

Оператив ходимлар жаҳлланишди. Жуда қизиқ, қаерга яширинаркин у? Хона тўртинчи қаватда бўлиб, қочадиган жой бўлмаса? Бир сафар ходимлар В. Судаевнинг изидан уйига кетмакет кириб, уни эндигина «Саратов» холодильнигига яшираётганида ушлаб олдилар. Кейин маълум бўлишича, у холодильник ичидаги барча агрегатларни олиб ташлаб, шу ерда «бошпана» топаркан.

Шундай қилиб, В. Судаев холодильникда қўлга тушди. У бирор жойда ишламасдан шаҳарма-шаҳар кезиб, Новосибирскда битта боласига алимент тўлашдан қочиб бу ёққа келган экан.

Энди у ҳеч қаерга қочиб қутула олмайди. Етим қолган боласига нафақа тўлаш керак. У одил суд олдида жавоб беради.

О. Мирпўлатов.
милиция майори.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

Радио

13 август

ЧОРШАНБА

18.10 Василенко. Труба ва оркестр учун концерт. **18.40** Спорт эшиттириши (русча). **19.20** Қозоқ куйлари. **20.00** «Ўзбекистон ишчиси» радиожурнали. **20.30** Саноат ходимлари учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.20** Тожикистон ССР халқ артисти Рафаэль Толмасов куйлайди. **22.40** «Шеърият кечаси» (ўзбекча). **23.15** «Куйлар тинглаб дам оламиз» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Баланчивадзе. Фортепьяно ва торли оркестр учун учинчи концерт. **19.30** «Ўзбекистон ёзувчиларининг ижодий портретлари» Мақсуд Шайхзода (русча). **20.00** Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. **20.30** Г. Тихомиров. «Ватан бўйлаб» номли сюита. **21.00** «Қардош халқлар адабиёти». Латиш ёзувчиси Анна Саксе ижодий портрети (ўзбекча). **21.30** Футбол. «Крилья советов» —«Пахтакор». Куйбишев шаҳридан олиб эшиттирилади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

16.00 «Янги замон қуйчиси». Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳақида музикали эшиттириш **17.00** В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан Н. Погодин. «Кремль курантлари» радиопостановкаси (русча).

14 август

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **7.40** Севги қўшиқлари. **7.55** «Саломатлик — туман бойлик» (ўзбекча). **8.25** Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. **9.30** Тер.-Татевосян. Иккинчи квартет. **10.30** Чолғу куйлари. **11.15** «Депутат ва ҳаёт» деган эшиттириш (ўзбекча). **11.30** Ўрта Осиё халқларининг куйлари. **13.30** «Бу қўшиқларни эслайлик» деган концерт. **16.10** «Йиллар ва қўшиқлар» деган музикали эшиттириш. **16.50** «Правда» газетасининг обзори. **17.00** «Кучимиз — ленинча дўстлигимизда» деган адабий-музикали радиокомпозиция (ўзбекча). **18.00** «Меҳнат икромини улуғлайди» деган эшиттириш (ўзбекча). **18.10** Янис Иванов. «Баҳор ҳавоси» кинофильмидан лавҳалар. **19.20** Татар куйлари. **20.00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **20.30** Эш ижрочилар концерти. **21.00** «Халқаро вазият ва ҳозирги босқичда империализмга қарши кураш вазифалари» деган суҳбат. Автори тарих фанлари кандидати Э. Ҳайитбоев. **21.15** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.20** Чанг тароналари. **22.40** В. И. Ленин ҳақида қиюнлар. **23.15** Мақом кечаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 «Москва ҳақида қўшиқлар» деган концерт. **9.15** Реклама ва эълонлар. **19.00** Курашаётган Вьетнам адабиёти (ўзбекча). **19.30** М. Вайнберг. Тўртинчи симфония. **20.00** Афғон куйлари. **20.30** Ўзбек Давлат филармонияси халқ чолғу оркестрининг концерти. **21.00** «Ленин ва Октябрь ёшлар назмида» деган радиокомпозиция (ўзбекча). **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 М. Шолохов. «Инсон тақдири» қиноясн асосида радиоинсценировка (ўзбекча). **15.30** М. Зив. «Ҳақиқий эркак» оперетта си. **17.00** «Рус композиторлари симфоник ижодида Пушкининг бадиий образи.

Телевизор

13 август

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. **18.35** Рус тилида телевизион янгиликлар.

Узбек тилида:

18.45 Коммунистик ва ишчи партияларининг Москвада бўлган халқаро кенгашининг тарихий аҳамияти. **19.00** Якка чолғучилар ижросида концерт. **19.40** Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** Классик куйлардан концерт. **21.00** Беш йиллик йўлларидан. **21:30** Интервидение Ленин яшаган жойларда. **22.00** «Вақт» информацион программаси. **22.30** Футбол бўйича СССР биринчилиги. «Динамо» — «Спартак» (Москва). Танаффус вақтида янгиликлар. **00.15** А. Толстой. «Актриса». Телевизион спектакль. **01.00** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўратувлар программаси.

Рус тилида:

18.35 Болалар учун. Қўғирчоқ фильм. **18.45** Тошкент истиқболи. **19.20** Эстрада концерти.

Узбек тилида:

20.00 Рассом ва замон. **20.20** Инсон ва қонун. **20.50** «Иккинчи истеъдод». Концерт. **21.30** Беш йиллик илғорлари. **21.45** «Биринчи учрашув». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

20.00 «8-шахтадаги воқеа». Бадиий фильм. **21.30** Анатолий Королёв куйлайди. **21.50** «Тугалланмаган кундалик». Телефильм. **22.35** «Мелодия — 68».

14 август

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: **18.35** Телевизион янгиликлар. **18.50** Болалар учун. «Ялқовлар ҳақида». Қўғирчоқ фильм. **19.10** «Плюшчихадаги учтерак». Бадиий фильм. **20.30** Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Узбек тилида: **20.40** Телевизион янгиликлар. **20.55** «Пропагандист» тележурнали. **21.35** Экран куйлари.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.30 Рангли телевидение программаси. Футбол бўйича СССР биринчилиги. ЦСКА — «ДИНАМО» (Тбилиси). Танаффус вақтида янгиликлар. **00.15** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.55 Кўрсатувлар программаси. **13.00** Янгиликлар. **13.15** Ленин яшаган жойларда. **13.45** «Тайга тонги». Телеочерк. **14.15** Болалар учун телетеатр. «Ўрзу ўти». Қўғирчоқ фильм. **15.15** Москва кундузги кўрсатувларининг охири. **18.00** Дўстлик экрани. Фрунзе телестудиясининг эшиттиришлари.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Янгиликлар. **20.15** Актуал ижтисодий проблемалар. **21.00** Интервидение. Байдарка ва каноэда сўзиш бўйича Европа биринчилиги. **22.15** Янгиликлар.

Театр

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 14|VIII да Икки билагузук, 15|VIII да Ўғил уйлантириш.

Кино

13 августда

ҚИШКИ БИНОДА

Бомбай тун оғушида — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кечқурун).

Қўзғолончилар (кеч 6 да), **Джазда фақат қизлар** (кеч 8 да 10 да)— «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ»

Қизларни ўғирлаш САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Севги ва кўз ёши (жуфт соатларда), **Сокин кварталдаги қотиллик** (тоқ соатларда) —«ДРУЖБА».

Излар жарлинка бошлайди — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Жазоловчи— «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 да 10-40 минутда бошланади)

Анжелика ва қирол —«ФЕСТИВАЛЬ».

Қўзғолончилар — «ХЕВА».

Излар жарлинка бошлайди — ТЕЛЬМАН номли.

14 августда

ҚИШКИ БИНОДА

Тайга хўжайини (орталаб соат 11 да), **Қизларни ўғирлаш** (кундуз ва кечқурун)— САНЪАТ САРОЙИ.

Сокин кварталдаги қотиллик (тоқ соатларда), **Севги ва кўз ёши** (жуфт соатларда)— «ДРУЖБА».

Қўзғолончилар (кундуз соат 12, 2, 4, ва 6 да), **Джазда фақат қизлар** (кеч 8 ва 10 да)— «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ».

Ҳужумнор бўл—«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Жазоловчи — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Излар жарлинка бошлайди — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 да 10.40 минутда бошланади)

Анжелика ва қирол — «ФЕСТИВАЛЬ».

Қўзғолончидар — «ХЕВА».

Излар жарлинка бошлайди — ТЕЛЬМАН номли.

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

13, 14, 15 августда

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДАСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТЛАРИ

Ўзбекистон ССРда хизмати кўрсатган артистлар К. ИСКАНДАРОВ, М. АБДУЛЛАЕВА; солистлар Ф. УМАРОВ, Г. ОТАБОЕВА, А. РУСТАМОВ, Д. АБДУЛЛАЕВА, Т. ҚОДИРОВА, Т. РИСМЕТОВА, У. ХЎЖАЕВ Ж. УСМОНОВ, Т. АВАЗОВ ва бошқалар қатнашади;

Ўзбек чолғу ансамбли жўр бўлади.

Программани Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. МУСАЕВА олиб боради.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 13 АВГУСТ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй Редакция телефонлари Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат транспорт; қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти нинг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579

НАШР 2823.

Р—03214.